БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43-йил чиқиши № 216 (11.965) | Пайшанба, 14 сентябрь 1961 йил | Баҳоси 2 тийин

КПСС XXII съезди шарафига

МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ СЕНГА, ОНА-ВАТАН!

Пахтакор! Тезу тоза тер ⊙ Сортларни аралаштириб юборма ⊙ Терилган пахтани яхшилаб қурит, вақтида топшир ⊙ Терим машиналарини созлаб қўй!

Фан ва олий таълим

Бугун республикамиз пойтахти Тошкентда яна бир йиғин — фан ва олий мактаб ходимларининг республика кенгаши очилади. Кенгаш қаҳрамон ишчилар синфи, колхозчилар, ижодкор зиёлиларимиз халқ хўжалиги ва маданий қурилиш соҳасида катта муваффақиятларни қўлга киритиб, шонли партиямиз XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани тобора авж олдираётган, бутун мамлакатда КПСС Программаси ва Устави проектлари қизғин муҳокама қилинаётган ғоят шодиёна кунларда ўтмоқда. Кенгашда ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири—фанни ишлаб чиқаришга яқинлаштириш ва олий мактабларда таълимни ижтимоий-фойдали меҳнат билан қўшиб олиб бориш масаласи муҳокама қилинади.

Мамлакатимизда социализмнинг ғалаба қозонишида совет олий ўқув юртларида коммунистик ахлоқ руҳида тарбияланган мутахассис кадрларнинг хизмати ғоят катта бўлди. Тарихан жуда қисқа бир давр ичида мамлакатимизда кўп сонли юқори малакали мутахассислар отряди етишиб чиқканлигининг ўзи социалистик тузумнинг гантанасидир. Бу—Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг илм-фанни юксалтириш, мамлакатда олий таълимни тараққий эттириш учун тинмай кўрсатаётган буюк ғамхўрликларининг ёркин ифодасидир.

Ўтмишда аҳолиси деярли ёпасига саводсиз бўлган Туркистон ўлкасидаги бугунги Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикаларида неча ўнлаб олий ўқув юртлари ишлаб турибди. Бу республикалардаги ҳар ўн минг аҳолига 92 студент тўғри келади. Ваҳоланки, Францияда ҳар ўн минг аҳолига 40 студент, Италияда 34, Германия Федератив Республикасида 31 студент тўғри келади. Бу—Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондагидан қариб уч баравар камдир. Ўзбекистон ССР нинг ўзи бу соҳада хорижий шарқ мамлакатларининг ўзи эмас, балки Ғарбдаги айрим тараққий этган капиталистик мамлакатларни ҳам ортда қолдирди.

Совет ҳокимияти йилларида республикамизда ўнлаб олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш муассасалари вужудга келтирилди. Республика олий ўқув юртлари халқ хўжалигининг турли соҳаларига ҳар йили қариб 30 минг олий ихтисосли мутахассислар етказиб бермоқда. Олий мактабда етишиб чиққан олимлар ва мутахассислар республикада фан ва техникани тараққий эттиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, республикамиздаги техника олий ўқув юртлари халқ хўжалигига жуда кўплаб техника кадрлари етказиб бердилар. Тошкент политехника, тўқимачилик институтлари, темир йўл транспорти инженерлари институти, электротехника-алоқа институти ҳозиргача турли соҳалар бўйича 19 мингдан ортиқ инженер тайёрлади. Ҳозир шу институтларда 20 мингдан ортиқ бўлажак инженерлар таълим олмоқда.

Тошкент политехника институти республикамизнинг фахри. Ҳозир институтда қариб ўн минг студент таълим олмоқда. Институт коллективи таълимни ишлаб чиқариш билан мустаҳкам алоқада олиб бориб, яхши натижаларга эришмоқда. Саноат корхоналарида ишлаётган 130 студент коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашмоқда. 700 студент разряди ошиш номини олди.

Тошкент Давлат университети, тўқимачилик институтида ҳам мутахассислар тайёрлаш иши ана шундай намунали йўлга қўйилган. Бироқ республика олий ўқув юртларининг ҳаммасида мутахассислар тайёрлаш намунали уюштирилган деб бўлмайди.

Республикадаги айрим олий ўқув юртларида, айниқса областлардаги институтларда ўқув-тарбия ишлари ҳозирги юксак талаблар даражасида эмас. Бу — олий ўқув юртлари педагогика кадрларининг илмий тадқиқот ишлари олиб боришига эътиборсизлик билан қаралаётганининг оқибатидир.

Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда мамлакатимиз олдида турган янги вазифалар олий таълим системасини тамоман қайта қуришни талаб этди. Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш ва халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисидаги қонун олий мактаб ишларини қайта қуришнинг конкрет программасини белгилаб берди. Лекин ҳали олий ўқув юртларининг коллективлари ўқув-тарбия процессларини қайта қуриш соҳасида жуда кўп ишлар қилишлари керак.

Олий ўқув юртларининг раҳбарлари, профессорлари ва ўқитувчилари, партия ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари студентларнинг назарий ва ишлаб чиқариш таълимини янада яхшилаш ва студент ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш даражасини кескин суратда кўтаришлари керак. Олий ўқув юртининг студенти ҳозирги замон техникасини мустақил бошқара оладиган, ишлаб чиқариш жараёнида содир бўладиган ҳар қандай масалаларни ҳал эта оладиган бўлмоғи лозим.

Республикамизда олий сиртқи ва кечки таълим кейинги йилларда анча яхшиланди. Аммо эндиликда сиртқи ва кечки таълимни янада ривожлантириш ҳозирги куннинг муҳим талабларидан бирига айланмоқда. Иш куннинг кисқартирилганлиги, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётган студентларга кўшимча енгилликлар берилганлиги сиртдан ва кечкурун ўқитиш йўли билан кўплаб мутахассислар тайёрлаш имкониятини беради. Аммо олий ўқув юртлари, Халқ хўжалиги кенгаши, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари, партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотлари сиртқи ва кечки таълимга етарли эътибор бераётганлари йўқ.

Олий ўқув юртларида сиртдан ўқувчи студентлар билан мунтазам иш олиб борилмайди, уларга амалий ёрдам берилмайди. Айрим ташкилот ёки корхоналарнинг раҳбарлари эса ишчилар ва хизматчиларнинг ўқиши билан қизиқмайдилар. Уларга қулай шароитлар яратиб бермайдилар.

Мамлакатимизда коммунистик жамият муваффақият билан қурилаётган ҳозирги пайтда меҳнаткашларнинг онглилигини, биринчи навбатда уларнинг билимини ошириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам партия, совет ташкилотлари сиртқи ва кечки таълимни ривожлантиришнинг ташаббускорлари бўлмоклари лозим.

Фан коммунизм моддий-техника базасини яратишнинг асосий воситаларидан биридир. **«Фаннинг қўлланилиши, — дейилади КПСС Программаси проектида,—жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг қудратли суратда ўсишининг ҳал қилувчи факторига айланади. Партия фаннинг ривожланиши ва фан ютуқларининг халқ хўжалигига жорий қилиниши тўғрисида бундан буён ҳам алоҳида ғамхўрлик килиб боради».**

Бу—фан аҳллари, олий ўқув юртларининг профессорлари ва ўқитувчилари олдига жуда катта вазифалар қўяди. Республикамиз фан ходимлари халқ хўжалигимизда ҳал қилиниши зарур бўлган актуал масалаларни илмий асослаб беришга ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарфлашлари керак. Фан саноатимизни, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини, хусусан пахтачиликни янада ривожлантиришда инсоннинг якин маслаҳатчиси ва кўмакдоши бўлсин. Олий ўқув юртлари бўлажак фан арбобларини етиштирадиган маърифат ўчоғига айлансин.

Шубҳа йўқки, бу масалалар фан ва олий ўқув юртлари ходимлари республика кенгаши қатнашчиларининг диққат марказида туради ва кенгаш фанимиз равнақи йўлида, олий мактабнинг янада тараққий этиши учун катта ҳисса қўшади.

ДАВЛАТГА НУҚУЛ ЮҚОРИ СИФАТЛИ ПАХТА БЕРАЙЛИК!



БУНКЕР-БУНКЕРЛАБ

Ниёзмат — Жиззахнинг азамат йигитларидан бири. У ўзининг мардлигини, ғайрат-шижоатини кўп йилларда буён пахта майдонида кўрсатиб келяпти. Ишнинг оғирини тракторнинг елкасига юклайин деб «универсал» минганига 14 йил бўлди. Шундан буён қишин-ёзин типчимайди. Куз келса, ғўзапоянн йиғиштириб олади, кўрак чувийди, «деҳқон бўлсанг шудгор қил» деб ерни чуқур ҳайдайди.

Қишда ҳам тинч турмайди. Далага гўнг ташийди, баҳор келиши билан нами қочмасдан туриб шудгорни бороналайди, ер етилиши биланоқ экишга тушади. У чигитни квадрат-уялаб экиш, ғўзани икки томонлама ишлаш санъатини биринчи бўлиб эгаллаган моҳир механизаторлардан, мана тўрт йил бўлди: коммунист Ниёзмат Оқилов Ленин номли колхозда танилган механик-ҳайдовчи. Тўғри, дастлабки йили у бори-йўғи 95 тонна пахта терди, келаси йили 120 тоннага чиқарди. Бултур машинасининг бункеридан катта хирмонга 251 тонна пахта тўкди.

Моҳир механик-ҳайдовчи пахтачиликда техника тараққиёти учун курашдаги хизматлари учун Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган. Бу йил у жонажон партиямизнинг XXII съезди шарафига камида 250 тонна пахта теришга сўз берди, шартли суғориладиган майдондаги очилган пахтани машинада теришга тушди.

Дастлабки куни хирмонга бункердан 15 центнер пахта тўкди. Хозир кунига 2-3 тоннадан теряпти.

— Барги яхши тўкилган майдонларда кунига камида 8-9 тоннадан пахта тераман. «ХВС-1,2» — энг яхши машина, — деди гвардиячи пахтакор Ниёзмат Оқилов.

Ҳ. НУРИДДИНОВ,

СУРАТДА: Жиззах районидаги Ленин номли колхознинг моҳир механик-ҳайдовчиси Ниёзмат ОҚИЛОВ.

А. Тўраев фотоси.

КЎПМИНГЧИЛАР ҲИССАСИ

Иброҳим Деҳқонов бошлиқ бригадада ишга яроқли 50 кишидан 45 киши бевосита пахта йиғим-теримида қатнашмоқда. 37 теримчи мавсумда 10 тоннадан пахта териш мажбуриятини олган. Бригадада уларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма шароит яратиб берилган. Теримчилар иккитадан кўпхонали этаклар билан таъминланган. Далада ишловчиларга иссиқ овқат тайёрлаб берилади. Бу эса меҳнат унумдорлигининг тобора ошишига, кундан-кунга кўп пахта терилишига имкон бермоқда. Ҳар куни йиллик планнинг 2-2,5 процента миқдорида пахта териб топширилаётир. Бригада пахта тайёрлашда Олтиариқ районидаги «Коммунизм» колхозида ҳаммадан олдин боряпти.

Кўпминг килограммчилар бригадада терим суръатининг кун сайин тезлаштирилишига катта ҳисса қўшмоқдалар. Теримчилардан П. Деҳқонова, М. Раҳимова, М. Солиева, С. Қурбонов, Ф. Холматова ўртоқлар ҳар куни хирмонга 180-190 килограммдан «оқ олтин» тўкмоқдалар.

Колхознинг Хошимов ва Темиров ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам терим суръати тобора тезлаштирилмоқда.

Ю. БОЛТАЕВ.

СУТ, МАККАЖЎХОРИ, МЕВА МЎЛ

Калинин районидаги Сталин номли колхознинг машҳур сут согувчиси Насиба Иноятова 8 ойда 13 бош сигирдан 50 минг 640 килограмм сут согиб олди.

Ғ. УМРЗОҚОВ, Б. МАҲМУДОВ.

Марғилон районидаги Ленин номли колхоз маккажўхори поясидан 3 минг тонна силос бостирди. Думбул сўтали маккажўхори поясидан яна 2400 тонна силос бостириш учун курашилмоқда.

М. ОЛИМОВ.

Сариосиё районидаги 7-боғдорчилик совхози коллективи мамлакатимизнинг турли шаҳарларига 550 тонна узум, 220 тонна олма ва 46 тонна нок жўнатди.

Н. ЮНУСОВ.

ҲАММА НАРСА ТАХТ

Чиноз районида пахтани машинада теришга катта эътибор берилмоқда. Район колхозларида бу йил 9 минг тонна «оқ олтин»ни машиналарда териб олиш ва 13 минг тонна ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш планлаштирилди. Ҳозир бу ишларга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Районда Турсуной Охунованинг издошлари бу йил янада кўпаймоқда. Вревскдаги механизаторлар тайёрлаш билим юртини яқинда 20 хотин-қиз битириб чиқди. Улар орасида «Партия XXI съезди» колхозининг аъзоси Насиба Султонбекова, Насиба Абдуллаева, «Қизил октябрь» колхозининг аъзоси Хосият Усмонова ва бошқа ўртоқлар бор. Улар бу йил машиналарда 90-100 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар. Илғор механизаторлар ўз машиналарини дала ишларига тахт қилиб қўйдилар.

И. ЎРИНБОЕВ.

МАШИНАЛАР ТЕРИМГА ТУШДИ

ПИСКЕНТ (Тошкент области), 12 сентябрь. (ЎзТАГ). Пискент районининг механизаторлари Тошкент областида биринчи бўлиб машина теримини бошлаб юбордилар. Калинин номли колхознинг механик-ҳайдовчилари Ўринбой Худойбердиев билан Бердиқул Сулаймонов дастлабки куни бункерлардан 15-20 центнердан «оқ олтин» тўкдилар. Зангори кема капитанлари КПСС XXII съезди шарафига мавсумда 150 тоннадан пахта терб бериш мажбуриятини олдилар.

«Пискент» совхозининг механик-хайдовчиларидан Тўра Турсунқулов, Исмонл Тошматов ва Самар Маҳмудовлар ҳам машина теримига тушдилар. Ажойиб агрегатнинг штурвалини биринчи марта ушлаётган Зулайҳо Тўранова ўз «ХВС-1,2» машинасини эгатга олиб кирди. Ёш механизатор Турсуной Охуновадан ўрнак олиб 250 тонна пахта теришга сўз берди.

Бу йил район далаларида 94 та терим агрегати ишлайди. Бу агрегатлар 6,5 минг тонна пахта териб беради.

Қанча пахта топширилди?

Ўзбекистон ССР да пахта тайёрлашнинг борили тўғрисида 1961 йил 13 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

ОБЛАСТЛАР	Пахта тайёрлаш (планга нисбатан процент ҳисобида)		пахтани қоп-қанорсиз ташиш (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)
	Бир кунда	мавсум бошидан бери	Мавсум бошидан бери
Сурхондарё	1,40	15,57	5,53
Андижон	1,58	14,18	8,58
Фарғона	1,31	11,38	2,65
Самарқанд	1,16	9,17	3,72
Хоразм	1,48	9,05	1,72
Тошкент	0,98	8,61	3,98
Бухоро	1,35	7,73	1,44
Қорақалпоғистон АССР	1,01	7,23	1,56

КУБА ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВА ВА ЛЕНИНГРАДДА

МОСКВА. 12 сентябрь. (ТАСС). Куба Республикасининг Москвада меҳмон бўлиб турган президенти доктор Освальдо Дортикос Торрадо ва унинг ҳамроҳлари бугун В. И. Ленин ва И. В. Сталин мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйдилар.

Бугун Кремлда Совет — Куба музокаралари ҳам бошланди.

Музокараларда Куба томонидан Куба Республикасининг президенти доктор Освальдо Дортикос Торрадо. Куба бирлашган революцион ташкилотларининг раҳбарларидан бири Блас Рока. Куба Республикасининг ташқи ишлар министри Рауль Роа Гарсиа ва бошқалар қатнашди. совет томонидан эса. СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси В. Н. Новиков, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, СССР Министрлар Советининг ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раисининг ўринбосари И. В. Архипов қатнашдилар.

Қардошларча дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар вақтида ҳар иккала томонни қизиқтирувчи кўпгина масалалар муҳокама қилинди.

Куба Республикаси президенти бугун зиёфат берди. Зиёфатда Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, А. Н. Косигин ўртоқлар ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. Зиёфат вақтида Освальдо Дортикос ва Л. И. Брежнев нутқ сўзладилар.

Кунинг иккинчи ярмида Куба президенти ва унинг ҳамроҳлари СССР халқ хўжалиги ютуклари виставкасига бордилар.

Кечқурун Куба Республикасининг президенти ССР Иттифоқи Большой театрига бориб, «Жизель» балетини томоша қилди.

Куба Республикаси ва Совет Иттифокининг давлат байроқлари билан безатилган Марказий ложада СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари Н. Н. Органов, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа расмий кишилар Освальдо Дортикос ва Куба Республикасининг давлат гимнлари ижро этилди.

* * *

ЛЕНИНГРАД. 13 сентябрь (ТАСС). Куба Республикасининг Президенти Освальдо Дортикос Торрадо ва унинг ҳамроҳлари бугун эрталаб махсус поезд билан Москвадан Ленинградга келишди.

Машина теримини кўзлаб иш кил

МАШИНАЛАР РЕМОНТИ СОЗ БЎЛСИН

КПСС янги Программаси ва Устави проектларидан илҳомланган республикамиз қишлоқ хўжалиги ходимлари етиштирилган мўл пахта ҳосилини барвақт йиғиб-териб олиш учун барча куч ва имкониятларини сафарбар қилмоқдалар. Бу соҳада Андижон область қишлоқ хўжалиги ходимлари ташаббускор бўлиб чиқдилар. Уларнинг ватанпарварлик чақириқларини бутун республика меҳнаткашлари қўллаб-қувватламоқдалар. Етилган ҳосилни пешма-пеш териб олишда ажойиб ташаббускорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. машина теримига пухта тайёрланмоқдалар.

Лекин, бу соҳада кўпгина ютуклар билан бирга айрим камчиликлар ҳам мавжудки, улар ҳақида индамай ўтиб бўлмайди. Республика колхоз ва совхозларида пахта териш машиналарининг ремонти текшириб кўрилганда. Андижон ва Фарғона областларининг айрим районларида аҳвол шу кунинг талабларига мутлақо жавоб бермаётганлиги аниқланди.

Биз Пахтаобод район устахонасида (директори А. Михайлов, бош инженери И. Ермоленко ўртоқлар) бўлдик. Энгельс номли колхознинг ремонт қилинган 6 та «СХМ-48М» агрегати сифатини кўздан кечирдик. Бу ерда ремонт сифатига зарур даражада эътибор берилмаётганлигини аниқладик. Охунбобоев номли колхознинг 5 та «СХМ-48М» машинаси ҳам сифатсиз ремонт қилинган. Бундай ачинарли аҳволни Избоскан район устахонасида ҳам учратдик. Ўртоқ И. Дебенчук директорлик қилаётган бу устахонада Ленин номли колхознинг ремонт қилинган 4 та «СХМ-48М» машинаси инструкция талабларига сира ҳам жавоб бермайди.

Терим машиналарини ремонт қилишдаги асосий нуқсонлар — шпинделларнинг нотўғри жойлаштирилганлиги, съёмникларнинг нотўғри регулировка қилинганлиги, баъзи шпинделларнинг мутлақо айланмаслиги сингари камчиликлардир. Кўпгина редукторлардан мой оқиб турибди. Бундай нуқсонлар машиналарнинг нормал ишлашига халақит беради пахтанинг тез ва сифатли териб олинишига тўсқинлик қилади.

Текшириш вақтида шу нарса аниқландики, терим машиналари шпинделларининг шахмат усулида жойлаштирилишига сира ҳам эътибор қилинмаган. Ваҳоланки, шпинделлар оралиғи биринчи терим даврида 26-30 миллиметр, иккинчи терим вақтида 22-26 миллиметр бўлмоғи лозим. Акс ҳолда машиналар қўсакларни тўкиб кетиши мумкин. Биз кўздан кечирган жойларда терим машиналари ана шу талабларга мос равишда ремонт қилинмаганлигини кўрдик.

Ҳали ҳам кеч эмас. Шу тиғиз кунларда мавжуд имкониятларни ишга солиб, терим машиналарининг сифатли ремонт қилинишини таъминлаш юзасидан зарур тадбирларни шошилинч амалга оширириш керак. Бунинг учун «Узсельхозтехника»нинг область ва район бўлимлари алоҳида ташаббус кўрсатишлари, ўзлари раҳбарлик қилаётган устахоналарда қишлоқ хўжалиги машиналарининг юқори сифатли ремонт қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатишлари керак бўлади.

Бу йил машиналар билан камида 600 минг тонна «оқ олтин» териб олинади. Ана шу миқдордаги пахтани ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олиш учун терим машиналарини сифатли ремонт қилиш муҳим аҳамиятга эга.

И. АКБАРОВ,

Д. ТУХТАЕВ,

пахта териш машиналари бўйича давлат махсус конструкторлик бюросининг инженерлари.

ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ БУЗУВЧИЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

ВЦСПС президиуми «Меҳнаткашларни социалистик жамият қоидаларига риоя қилиш ва безорилиққа, жиноятчиликка ва жамоат тартибини бузишга қарши кураш руҳида тарбиялашда касаба союз органларининг ишларини кучайтириш тўғрисида» карор қабул килди.

Касаба союз ташкилотлари, дейилади қарорда, жамоат тартибини кўриклаш, корхоналарда, муассасалар ва ўқув юртларида кўнгилли халқ дружиналарини тузиш, ишчилар ва хизматчилар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш ишига меҳнаткашларни актив иштирок килишга жалб этиш сохасида муайян ишларни қилдилар. Касаба союз органлари кўнгилли халқ дружиналарини уюштириш ва уларнинг ишлари билан чинакам шуғулланаётган областларда, шаҳарлар ва районларда безорилик ва жиноятчилик сезиларли даражада камаймоқда.

Аммо касаба союзларнинг бир канча советлари ва комитетларининг раҳбарлари ҳали ҳам шу муҳим ишга етарли даражада эътибор бермаётирлар.

ВЦСПС президиуми касаба союзлари советларига ва комитетларига меҳнаткашларни социалистик жамият қоидаларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш ишларини кучайтириши, жамоат тартибини бузувчилар билан курашда ўртоқлик судларининг ишларида ҳеч катта бўлмаган жиноятларни биринчи марта килган кишиларни жамоатчилик кучи билан қайта тарбиялашда, коидаларни бузувчиларни халол меҳнат килишга жалб этишда янада активроқ қатнашишни таклиф этди. (ТАСС).

XXII СЪЕЗДОЛДИ шиддарлари

КПСС ПРОГРАММАСИ ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

ЎТГАН ЙИЛГИ ХАТОЛАР ТАКРОРЛАНМАЙДИ

ЖОН-ДИЛИМИЗ БИЛАН МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

НУКУС («Қизил Ўзбекистон» махсус мухбири). Область партия конференцияси делегатлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинованинг КПСС янги Программаси проекти тўғрисидаги, область партия комитетининг иккинчи секретари А. З. Завьяловнинг КПСС Устави проекти ҳақидаги докладларини тингладилар ва қизғин муҳокама қилдилар.

Нотиқлар бутун совет халқи сингари қорақалпоқ халқи ҳам ижодий марксизм-ленинизмнинг бу улуғвор ҳужжатларини қизиқиб ўрганаётгани ва зўр қувонч билан маъқуллаётгани ҳақида тўлқинланиб сўзладилар.

— Партиямиз Марказий Комитети улуғ Ленинга хос донишмандлик билан иш кўрмоқда, — дейди Нукус шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ Ж. Жиемуратов.—мамлакатимизда коммунизм қуриш Программасини ҳар галгидек халқ билан маслаҳатлашмоқда. Муҳокамада шу нарса яна бир марта равшан бўлмоқдаки, КПСС чинакам умумхалқ партиясига айланиб кетди. Шаҳарнинг ҳамма корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида бўлиб ўтган йиғилишларда барча ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар, ёзувчилар, олимлар, студентлар Программа ва Устав проектларини якдиллик билан маъқулладилар.

— Халқимиз бу илҳомбахш ҳужжатларни шу қадар қизиқиб ўрганаётгани, уларни ижод ва ҳаёт қонуни деб қабул қилаётганининг боиси шундаки, — дейди Чимбой районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхози партия комитетининг секретари ўртоқ А. Жуманов, — қорақалпоқ халқи Ленин партияси раҳбарлигида тараққиётнинг катта йўлига чиқиб олди. Ўтмишда қолоқ ва қашшоқ бўлган ўлкадан гуллаб-яшнаган обод ва бадавлат республикага айланди.

Сўзга чиққан делегатлардан Чимбой район партия комитетининг секретари Қ. Абдураимов, «Амударё» совхози партия комитетининг секретари С. Сарсенбоев, Беруний районидаги «Коммуна» колхозининг бригада бошлиғи Х. Аннасапаров, Амударё районидаги «Ленинизм» колхозининг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. Камолова, Тахтакўпир районидаги Карл Маркс номли совхоз маккажўхори-сутчилик фермасининг бошлиғи А. Бекетов ва бошқа ўртоқлар партия Устави проектидаги янги қоидаларни ёқлаб гапирдилар.

Ҳар иккала масала юзасидан бир оғиздан қабул қилинган резолюцияларда партиянинг янги Программаси ва Устави проектлари тўла маъқулланди.

САНОАТ ИШИНИ ЮКСАК ПОҒОНАГА КЎТАРИШ КЕРАК

Конференция делегатлари область партия комитетининг ҳисоботини муҳокама қилар эканлар, партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорлари асосида халқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантириш, меҳнаткашлар оммасини коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида қўлга киритилган ютуқларни кўрсатдилар ва шу билан бирга ишдаги хато ва камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар, уларни тугатишга қаратилган амалий таклифлар киритдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Маҳмудовнинг ҳисобот докладида ўтган йилги хатоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бу хатоларни тугатиш юзасидан қандай кураш олиб борилаётгани, Қорақалпоғистон коммунистлари ва барча меҳнаткашлари олдида турган муҳим вазифалар кўрсатиб берилди.

Шу нарса мамнуният билан қайд қилиндики, автоном республика саноати тез юксалиш йўлидан бормоқда. Ҳисобот даврида Тахиатош ГРЭС ининг биринчи навбати ишга туширилди. Бу йирик иншоот берган қувват ёрдами билан яқин йиллар ичида Қорақалпоғистон ёппасига электрлашади, энг узоқ овул ва қишлоқлар ҳам Ильич нури билан чароғон бўлади. Шунингдек, Тўрткўл дизель электростанцияси, Нукусда силикальцит ва комбинацияланштирилган озуқа заводлари, макарон фабрикаси ва бошқа корхоналар барпо этилди, бир қанча корхоналар реконструкция қилинди. Хўжайли-Қўнғирот темир йўли ишлай бошлади, Тахиатош-Хўжайли, Нукус-Чимбой электр подстанциялари қурилди. Корхоналарда янги техника ва илғор технология жорий этилмоқда.

Автоном республика саноати, темир йўл ва автомобиль, дарё ва ҳаво транспорти ходимлари съезд олди мусобақасини авж олдириб, саккиз ойлик планни анча ошириб бажардилар.

Лекин ана шу ютуқлар соясида катта нуқсонлар бор. Автоном республикадаги 75 корхонадан 21 тасининг саккиз ойлик планни бажармаганлиги бундан далолат бериб турибди.

(ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН).

□ □ □

Нотиқлар балиқ овлаш ва қайта ишлашнинг тобора камайиб бораётганини куйиниб гапирдилар. Ўзбекистондаги бирдан-бир балиқ корхонаси—Мўйноқ консерва комбинати 8 ойлик планни атиги 79.3 процент бажарганлиги ачинарли бир ҳолдир, албатта. Бунинг асосий сабаби шундаки, комбинат директори Серебряков, балиқ заводларининг директорлари ва балиқ овлаш хўжаликларининг раҳбарлари балиқ овлаш мавсумига пухта тайёргарлик кўрмадилар ва энг қулай вақтни ўтказиб юбордилар. Оқибатда балиқ овлаш ўтган йилдагидан 23 процент камайиб кетди.

Мўйноқ район партия комитетининг секретари ўртоқ Д. Бекбергенов ўз сўзида бундай камчиликларга иқрор бўлиш билан бирга Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгашининг балиқ саноати бошқармасига ўринли таналар қилди. Бошқарма асосий балиқ районида эмаслигининг ўзи ҳам ишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бошқарма ходимлари, айниқса раҳбарлари балиқ овловчилар ва қайта ишловчиларнинг иши билан яқиндан таниш эмаслар. Улар балиқчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини яхши билмайдилар, балиқ запасини кўпайтириш проблемаларини ўрганиш ва хал этишда ожизлик қилмоқдалар.

Конференцияда саноат корхоналари ишидаги бошқа камчиликлар ҳам очиб ташланди. Жумладан, кўп корхоналарда меҳнат унумдорлигининг ўсиши иш ҳақидан орқада қолмоқда, маҳсулотнинг, айниқса ғишт ва бошқа бинокорлик материалларининг сифати ёмон, баъзи пахта заводлари чиқарган тола стандартга тўғри келмайди. Ўртоқ Рябикин директорлик қилаётган Беруний пахта заводида кўзбўямачилик фактлари фош қилинди.

Автоном республика саноатининг истиқболи порлоқ. Яқин йилларда Тахиатош ГРЭСи тўла қувват билан ишлай бошлайди, Нукусда уй қуриш комбинати, Қўнғиротда целлюлоза-қоғоз комбинати қурилади, Амударёга тўғон ва кўприк, Ленин номли каналда насос станцияси қурилади. Жаҳонда энг катта Газли-Урал газ қувури қурилиши авж олдириб юборилади. Шу асосда кимё саноати ҳам барпо этилади. Қорақалпоғистоннинг ер ости бойликларини қидириб топиш ишлари ҳам тез суръатлар билан олиб бориляпти.

Буларнинг ҳаммаси Қорақалпоғистоннинг партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва барча меҳнаткашлари зиммасига катта масъулият юклайди. Конференция делегатларининг нутқларида бундай масъулият ҳисси ва улкан вазифаларни бажаришга сафарбарлик ҳис-туйғуси сезилиб турди.

ВАЪДА ҚАТЪИЙ, МАЖБУРИЯТ СЎЗСИЗ БАЖАРИЛАДИ

Конференцияда қишлоқ хўжалиги, унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачилик ва чорвачиликдаги аҳвол чуқур таҳлил қилинди. Кўпгина совхоз ва колхозлар сув камчил бўлиши оқибатида рўй берган қийинчиликларни сабот ва матонат билан енгиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар ва чорва моллар маҳсулдорлигини оширдилар.

Шу билан бирга делегатлар баъзи районларда, кўпгина совхоз ва колхозларда қишлоқ хўжалик экинлари экиш планлари бажарилмаганлигини, янги ерларни ўзлаштириш суст бораётганлигини, қишлоқ хўжалик фани ютуқлари ва илғорлар тажрибаси жорий этилмаётганини, алмашлаб экиш топшириғи бажарилмаётганини конкрет мисолларда очиб ташладилар. Чигитни квадрат-уялаб экиш, аниқ экадиган сеялкадан фойдаланиш, ғўзага икки томонлама ишлов бериш топшириқлари кўнгилдагидек бажарилмаганлиги, машина теримига тайёргарликнинг сустлиги энг катта нуқсонлардандир.

Ҳозир ҳамма ерда пахта чамандек очилганига қарамай, автоном республика пахта тайёрлашда энг охирги ўринда турибди. Бунинг асосий сабаби шундаки, колхоз ва совхозлар, пахта заводлари ва тайёрлов пунктлари мавсумга пухта ҳозирлик кўрмаганлар. Теримчиларни иссиқ овқат билан таъминлаш, пахтани дала бошида қабул қилиб олиш йўлга қўйилмаган. Теримчилар кунлик нормани ва қанча ҳақ олишларини билмайдилар.

Чорвачиликни ривожлантириш соҳасида бирмунча ютуқларга эришилган бўлса ҳам, лекин бу йил сут ва гўшт тайёрлашда катта қийинчиликлар рўй бермоқда. Бунинг сабаби конференция делегатларининг сўзидан маълум бўлиб қолди. Беруний, Амударё, Хўжайли район партия комитетлари чорвачиликка амалда эмас, қоғозда, сводкага қараб раҳбарлик қилаётганлиги тўғрисида мисоллар келтирилди.

Етарли миқдорда силос бостирилмаганлиги ва ем-хашак ғамланмаганлиги чорва қишловининг тақдирини хавф остида қолдирмоқда.

Автоном республика меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан катта мажбуриятлар олганлар. Бу мажбуриятларни тўла ва ошириб бажариш учун ҳамма имкониятлар бор.

Ваъда — қатъий, мажбурият сўзсиз бажарилади — ҳамма делегатларнинг сўзидан шу маънони уқиш мумкин. Энди ҳамма нарса дала ва фермада ишнинг қандай ташкил этилишига боғлиқ.

КАДРЛАР ҲАЛОЛЛИК ВА РОСТГЎЙЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАНСИН

Ўтган йилларда автоном республикада айрим партия ходимлари кўзбўямачилик, шахсий манфаатни давлат манфаатидан устун қўйиш билан машғул бўлганлиги маълум. Шунинг учун ҳам конференцияда кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни ҳалоллик, ростгўйлик, принципиаллик, камтарлик руҳида тарбиялаш масаласи диққат марказида турди.

Конференцияда меҳнат ва турмушда, ўқишда ҳаммага намуна бўлаётган, ватанпарварлик, инсонпарварлик намуналарини кўрсатаётган кишиларнинг номлари қувонч билан тилга олинди. Шу билан бирга маҳаллийчилик, текинхўрлик, чайқовчилик, юлғичлик, давлатни алдаш, жамоат мулкини ўғирлаш сингари совет кишисига номуносиб ишлар билан шуғулланиб юрган шахслар қаттиқ қораланди. Бир мисол: Беруний районидаги Оржоникидзе номли колхозининг собиқ раиси Раззоқов хусусий мулкчиликка берилиб, яшаб турган уйи бўла туриб, ярим гектарча жойга данғиллама уй қурган. Ўзўзидан равшанки, бу уй ҳалол пул ҳисобига қурилган эмас.

Бундай фактлар танқид ва ўзўзини танқид сўндирилган, лаганбардорлик ва хушомад авж олган жойдагина рўй бериши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир корхона ва қурилишда, колхоз ва совхозда, район ва шаҳарда соғлом танқид ва ўз-ўзини танқид асло сусайтирилмаслиги, ҳар бир ишга коммунистик нуқтаи назар билан қараш, кадрларни ва айниқса ёшларни ҳалол, ростгўй, камчиликларга муросасиз қилиб тарбиялаш зарур.

Конференцияда сиёсий оммавий за тарбиявий ишларни кучайтириш, хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш, партия ходимларининг малакаси ва билимини ошириш, маориф, соғлиқни сақлаш, касаба союз ишларини яхшилаш, партия маорифини яхши уюштириш масалаларига катта эътибор берилди.

Область партия комитетининг ҳисоботи юзасидан қабул қилинган қарорда ишдаги хато ва камчиликларни тугатиш ва партия XXII съездини муносиб кутиб олиш тадбирлари белгиланди.

Конференция область партия комитетининг янги составини, КПСС XXII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVI съездига делегатлар сайлади.

Конференция делегатлари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрик телеграммаси қабул қилдилар.

* * *

Область партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Ўртоқ Н. М. Маҳмудов область партия комитетининг биринчи секретари қилиб, А. З. Завьялов иккинчи секретари, В. В. Бритов М. Н. Нурмуҳамедов ва К. К. Уркумбоев ўртоқлар обком секретарлари қилиб сайландилар.

С. ТОИРОВ.

КПСС ва бутун совет халқи ҳамма ва ҳар қандай босқинчилик урушларига қарши, шу жумладан, капиталистик давлатлар ўртасидаги урушларга қарши, халқнинг озодлик ҳаракатларини бўғишга қаратилган маҳаллий урушларга қарши бундан буён ҳам кураш олиб боради ҳамда эзилган халқларнинг муқаддас курашини, уларнинг империализмга қарши олиб бораётган адолатли озодлик урушларини қўллаб-қувватлашни ўз бурчи деб ҳисоблайди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ПРОГРАММАСИ ПРОЕКТИДАН

Учқўрғонда қурилаётган ГЭС фойдаланишга топширилгач, Қирғизистон ва Ўзбекистонга кўплаб электр қуввати бера бошлайди. СУРАТДА: ана шу иншоотни барпо этишда намуна кўрсатиб ишлаётган илғор қурувчилар бригадаси аъзолари (чапдан ўнгга): В. КЛЕВЦЕВ, М. ҚИРҒИЗОВ (бригадир) ва З. ЖАРҚУЛОВ ўртоқлар.

А. Палехов фотоси.

МУЛОҲАЗАЛАР

Калинин район коммунистлари ва меҳнаткашлари КПСС Программаси проектини ўзларининг партия активи йиғилишлари, қишлоқ Совети сессиялари, шунингдек, колхоз ва совхозларнинг бригада шийпонларида ўтказилаётган тематик суҳбатларда кенг ва ҳар томонлама ўрганиб, шонли коммунизм жамияти қурилишини тезлаштиришга қаратилган таклиф ва мулоҳазаларини баён қилмоқдалар.

—Ҳаётимизнинг бу бебаҳо ҳужжатини такрор-такрор ўқиб чиқдим, — деди Ленин қишлоқ Советининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида 33-мактаб директори ўртоқ К. Ҳошимов. — Халқ маорифининг истиқболи мени айниқса қувонтирди. Мен партия Программаси проектининг ёш авлодни коммунистик онглилик ва коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашда халқ ўқитувчиси, комсомол ва пионер ташкилотлари юксак, фахрли ва масъулиятли роль ўйнаши лозимлиги кўрсатилган пунктга **болаларнинг мактабда ва мактабдан ташқари вақтлардаги тарбиясида мактаб, ота-оналар комитетлари ва ота-оналарнинг шахсий ролларини оширишга қаратилган** махсус жумлалар қўшилишини истар эдим.

Ленин номли колхоз партия комитетининг секретари ўртоқ Р. Каримов ўз сўзида баъзи ўртоқлар таклиф қилган «Бошланғич ва цех партия ташкилотлари секретарлигига 2-3 йиллик партия стажига эга бўлган коммунистлар сайлансин» деган фикрга қўшилмаганлигини, балки КПСС Устави проектида кўрсатилганидек, **бир йиллик стаж ҳам етарли** эканини маъқуллади.

— Чунки, — дейди у, — бошланғич ва цех партия ташкилотлари секретарларининг фаолияти шу ташкилотлар коммунистларининг активлиги ва ташаббускорлигига боғлиқдир.

З. ҚОДИРОВ.

БИЗНИНГ ТАКЛИФИМИЗ

Партия Устави проектининг 10- параграфида бошланғич партия ташкилотининг коммунистни партиядан чиқариш тўғрисидаги қарори партия йиғилишида қатнашган коммунистларнинг учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган деб ҳисобланиши кўрсатилади. Биз бунга тузатиш киритишни лозим деб ўйлаймиз. Чунки айрим вақтларда партия ташкилоти ҳисобида турувчи баъзи коммунистлар бирор иш билан командировкага кетган бўладилар ёки меҳнат отпускасида бўладилар.

Шунга кўра Устав проектига қуйидагича қўшимча киритишни таклиф қиламиз: «ПАРТИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЁКИ ПАРТИЯДАН ЧИҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ҲИСОБИДА ТУРУВЧИ КОММУНИСТЛАРНИНГ УЧ ДАН ИККИ ҚИСМИ ОВОЗ БЕРГАН ТАҚДИРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ДЕБ ҲИСОБЛАНАДИ».

Р. ҒУЛОМОВ,
А. АБДУФАТТОХОВ,
КПСС аъзолари.
Тошкент шаҳри.

ТУРКМАНИСТОН КОМПАРТИЯСИ XVII СЪЕЗДИ

АШХОБОД, 12 сентябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда ғоят катта сиёсий кўтаринкилик вазиятида Туркманистон Коммунистик партиясининг XVII съезди ўз ишини бошлади, Съездда республика коммунистлари кўп минг кишилик отрядининг энг яхши вакиллари бўлган 700 дан ортиқ делегат қатнашмоқда.

Съездни Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Болиш Овезов очди.

Делегатлар баланд руҳ билан содиқ ленинчи ўртоқ Н. С. Хрушчев бошлиқ КПСС Марказий Комитети Президиумини съезднинг Фахрий президиумига сайладилар.

Бир оғиздан тасдиқланган кун тартибида — КПСС Программаси ва Устави проектларини, Туркманистон Компартияси Марказий Комитети ва ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилиш, республика Компартияси раҳбар органларини ва КПСС XXII съездига делегатлар сайлаш масалалари бор.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ўртоқ М. А. Пименов КПСС Программаси проекти тўғрисида доклад қилди.

Съезд Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ш. Ташлиевнинг КПСС Уставининг проекти тўғрисидаги докладини ҳам тинглади.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

КУРСАНТЛАР ОРАСИДА

Тошкентдаги милиция махсус ўрта мактабининг чиройли безатилган клуби одамларга лиқ тўла. Бу ерда партиямизнинг иккинчи Программаси қабул қилинган вақтда дунёга келган кишилар ҳам, ўша Программа амалга оширилаётган даврда Ленин гвардияси сафига кирганлар ҳам, шунингдек партиясиз активлар ҳам бор.

«КПСС Программаси проекти тўғрисида» мактаб бошлиғининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Семиков доклад қилди. «КПСС Уставининг проекти тўғрисида» партия бюросининг секретари ўртоқ Нестеров гапириб берди.

Муҳокама қизиб кетди.

— КПСС Программаси проекти замонамизнинг буюк назарий ва сиёсий ҳужжатидир, — дейди биринчи бўлиб сўзга чиққан ёш коммунист ўртоқ Самодин — Бу ҳужжат марксча-ленинча фанни янада бойитади. Биз коммунизм даврида яшаймиз.

Мактаб шахсий составининг катта қисмини комсомол аъзолари ташкил этади. Уларнинг ҳамма Программа ва Устав проектларини бир оғиздан маъқулламоқда.

Сўз аълочи курсант коммунист Додовга берилади.

— Эришилган муваффақиятларимиз катта, лекин перспективалар бундан ҳам каттадир, — дейди у. — КПССнинг учинчи Программаси ҳам албатта бажарилади. Капитализм тараққиёт йўлимизни тўсолмайди. «Ит ҳурар, карвон ўтар» деганларидек, бизнинг карвонимиз коммунизм сари забардаст қадамлар билан бораверади.

Ўртоқ Додов биринчи курс коммунистлари номидан дейди:

— Биз КПСС Программаси ва Устави проектларини бир оғиздан маъқуллаймиз. Шу билан бирга иккита таклиф киритмоқчимиз: **КПСС Устави проектида кандидатлик муддатини узайтириш кўзда тутилмаган. Баъзан кандидатлик муддати тугамасдан бошқа шаҳар ёки корхонага ишга юборилади, кандидат армиядан бўшаши ёки узоқ вақт касалланиши мумкин. Бундай ҳолларда у партия аъзолигига ўтиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолади. Шундай бўлмаслик учун, бизнинг фикримизча, бошланғич партия ташкилотларига айрим ҳолларда кандидатлик муддатини узайтириш ҳуқуқи берилиши керак.**

Иккинчи таклиф шуки, **ҳисобида 150 эмас, балки 100 дан кам бўлмаган партия аъзоси бор ташкилотларда ишдан озод бўлган секретарлар сайлансин.**

Минбарда сиёсий ходим ўртоқ Златогурский.

— Биз, коммунистлар, — дейди у. — КПСС бутун совет халқининг партиясига айланганидан беҳад хурсандмиз,—ҳозир бўлинмамизда партиянинг XXII съезди шарафига социалистик мусобақа қизиб кетди.

Мактаб коллективи КПСС Программаси ва Устави проектларини муҳокама қилиш билан бирга ўз ишларини танқидий анализ қилиб, партия ташкилоти ва бутун коллектив олдида турган вазифаларни белгилаб олди.

— Партиямизнинг янги Программаси жиноятчиликка бутунлай барҳам бериш вазифасини қўймоқда. Бу вазифани эса маҳоратли ва юксак савияли кадрларгина бажариши мумкин. Мактаб коллективининг бутун фаолияти ана шундай кадрларни тайёрлашга қаратилиши керак, — дейди коммунист Буев.

Шу ҳақда курс бошлиғи майор Гладков ҳам гапирди.

Муҳокамада мактаб бошлиғи Ғ. Тешабоев сўзлади.

— Партия, — деди у, — социалистик қонунчиликка қатъий риоя қилинишини, ҳуқуқ-тартиботларнинг бузилишига хотима бериш, жиноятларни тугатишни ва уларни келтириб чиқарадиган барча сабабларни йўқотишни таъминлаш вазифасини қўяди. Бу вазифани бажаришда милиция ходимларининг роли айниқса катта. Ҳамма ишимиз, харакатимиз шу вазифани бажарадиган кадрларни тайёрлашга қаратилсин, бор кучимиз, оғиримиз, тажрибамиз шунга сафарбар қилинсин.

«КПСС Программаси ва Устави проектларини якдиллик билан маъқуллаймиз, уларни чуқур ўрганамиз, партия ташкилоти ва мактаб коллективининг бутун иши шу оламшумул тарихий ҳужжатлар асосида олиб борилади». Очиқ партия йиғилишининг қарори ана шундай.

С. САЛОЕВ.

Самарқанд темир йўл станциясининг диспетчери Мамажон ЯҲЁЕВ билан моҳир поезд тузувчи Мамажон МАҲМУДОВ (чапда) ўртоқлар ўзаро ҳамкорликда ишлаб, кўплаб оғир юкли поездлар тузиб жўнатишга муваффақ бўлишмоқда.

А. Котулев фотоси.

БУГУН ФАН ВА ОЛИЙ МАКТАБ ХОДИМЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ОЧИЛАДИ

ФАНИМИЗ ЯНАДА РИВОЖ ТОПСИН, ОЛИЙ ТАЪЛИМ ГУЛЛАБ-ЯШНАСИН!

ИЛМИЙ ХОДИМЛАР—ОЛТИН ФОНДИМИЗ

Т. ҚОРИ-НИЕЗИЙ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

<>

Совет Иттифоқидаги кўпмиллатли барча халқлар сингари республика меҳнаткашлари, шу жумладан фан ва олий ўқув юртларининг ходимлари ҳам КПСС Программаси проектини мамнуният билан кутиб олдилар ва уни қизғин муҳокама қилмоқдалар. Чунки бу буюк ҳужжатда коммунизм қуриш учун зарур бўлган барча масалалар оқилона ифода этилган.

КПСС Программаси проектида халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантириш соҳасида қилинадиган вазифалар баён этиб берилган, совет кишиларининг турмуш даражасини ошириш йўл-йўриқлари белгилаб берилган.

Унда кўрсатилишича яқин йиллар мобайнида мамлакат тўла электрлаштирилади, ишлаб чиқариш процесслари механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади. Шунингдек халқ хўжалигида кимёнинг роли оширилади, атом ва термоядро энергиясидан фойдаланиш кескин кўпайтирилади. Фан ва техниканинг ана шу тарзда тез тараққий этиши ва ундан ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида максимал даражада фойдаланиш натижасида ишчиларга бўлган талаб кучаяди. Меҳнат жараёнлари борган сари кўпроқ автоматлаштирилади, қўл меҳнати тобора камайиб боради. Бу — ҳар бир заводда, қурилишда, транспортда юксак малакали ишчилар бўлишини талаб этади. Ишчилар ва колхозчиларнинг меҳнати инженер-техник ходимлар, агрономлар ва бошқа мутахассисларнинг меҳнатига яқинлашади. Шундай қилиб, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовут кун сайин йўқолиб боради. Демак, юксак ихтисосли кадрлар тайёрлаш ҳозирги куннинг энг муҳим ва актуал масалаларидан биридир.

Коммунистик жамият қуришнинг кенг авж олдирилган программасини тўла амалга ошириш учун халқ хўжалигининг барча соҳаларига: фан ва маданият муассасаларига, шунингдек халқ хўжалигининг бошқа турли соҳаларига мутахассислар етказиб берувчи олий ўқув юртлари ғоят катта роль ўйнайди. Олий мактаб ходимлари халқ хўжалигининг барча соҳаларига юқори малакали кадрлар етиштириш ишини кун сайин кучайтириб боришлари керак.

Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги остида мамлакатимизда ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси туфайли Ўзбекистонда олий таълимни ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда олий ўқув юртларининг кенг тармоғи вужудга келтирилди ва уларда ўн минглаб олий малакали мутахассис кадрлар етиштириб чиқарилди. Улар ҳозир халқ хўжалигимизнинг турли соҳаларида муваффақият билан меҳнат қилмоқдалар.

Ёш мутахассислар тайёрлаш йил сайин ривожланмоқда. Фақат кейинги уч йил мобайнида республикамиз олий ўқув юртларини қирқ мингдан ортиқ ёш мутахассис тамомлаб чиқди.

Республикамиз олий ўқув юртларида тайёрланаётган мутахассислар олтин фондимиз — кадрларимиз сафини тўлатмоқда. Ҳозир Ўзбекистонда қарийб 10 минг илмий-педагогик кадрлар, шу жумладан 225 га яқин фан докторлари ва 2000 дан ортиқ фан номзодлари ишлаб турибди. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида ҳозир олий ва ўрта маълумотли 200 мингдан ортиқ мутахассис бор.

Ўзбекистонда хотин-қизлар таълимига алоҳида эътибор берилмоқда. Республиканинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 35 мингдан ортиқ қиз ва жувонлар таълим олмоқда, 80 мингдан ортиқ олий маълумотли хотин-қизларимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида муваффақият билан меҳнат қилмоқда.

Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш ва халқ маорифи системасини янада ривожлантириш тўғрисидаги қонунининг амалга оширилаётгани олий ўқув юртларимизда ўқув-тарбия савиясини юксак даражага кўтариш имкониятини берди. Кўпгина олий ўқув юртлари ўқишни меҳнат таълими билан боғлаб олиб бориш соҳасида бой тажриба тўпладилар. Олий ўқув юртлари ишлаб чиқаришга яқинлашиб бормоқда.

Олий ўқув юртларидаги олимлар коллективи фан ва техниканинг тараққий этиши учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Республика олий ўқув юртларида студентларга марксча-ленинча назарияни чуқурроқ сингдириш ва уларни меҳнатга муҳаббат, халқлар дўстлиги руҳида, коммунистик партияга муҳаббат ва жонажон Ватанимизга чексиз садоқат руҳида тарбиялаш соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди.

Лекин шуни эътироф этиш керакки, республикамиз олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш иши ҳали ҳозирги куннинг юксак талаблари даражасида эмас. Ҳолбуки олий мактабларимизда мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги энг марказий ва асосий масала — сифат масаласидир.

Мутахассислар тайёрлашни планлаштиришда ҳозиргача камчиликлар содир бўлиб келмоқда. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, республика Госплани, Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши, министрликлар ва ташкилотлар бу муҳим ишга жиддий эътибор бераётганлари йўқ. Ҳозиргача халқ хўжалиги учун зарур бўлган мутахассислар сонининг аниқ белгилаб олинмагани ҳам ана шунидан далолат бериб турибди.

Мутахассис кадрлар тайёрлаш министрликлар ва муассасаларнинг қўйи ташкилотларидан олган талаблари асосида планлаштирилади. Баҳоланки, кадрлар тайёрлашни бу тарзда планлаштириш хато ва чалкашликларга олиб келади.

Республикамиз мактаблари қайта қурилаётган ва уларнинг кўпчилигида машғулотлар асосан бир сменада олиб борилаётган ҳозирги пайтда уларни ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш ишини суст ҳал этмоқдамиз. Ҳозиргача мактабларимизда, мактаб-интернатларда 32 мингдан ортиқ ўқитувчи олий маълумотга эга эмас. Буни нормал ҳол деб бўладими?

Халқ хўжалигининг етти йиллик плани олий маълумотли мутахассислар тайёрлашни кескин яхшилашни тақозо этади. Республикамизда 1965 йилга бориб қўшимча равишда 25 мингга яқин олий маълумотли мутахассислар етказиб берилиши керак. Бу — олий мактаб ходимлари зиммасига жуда катта ва масъулиятли вазифа юклайди. Фан ва техниканинг тўхтовсиз тараққиёти саноат учун ҳам, қишлоқ хўжалиги учун ҳам юксак малакали кадрлар талаб этмоқда.

Таълимни ишлаб чиқаришга яқинлаштириш соҳасида ҳам нуқсонлар бор. Студентлар таълимини меҳнат таълими билан боғлаб олиб бориш масаласига кўпинча юзаки қаралади. Айрим олий ўқув юртларини ишлаб чиқаришга яқинлаштириш масаласи жуда сусткашлик билан ҳал қилинмоқда. Бирмунча олий мактабларни, жумладан Тошкент қишлоқ хўжалик ва ирригация ҳамда қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтларини қишлоқ жойларига кўчириш масаласи икки йилдан бери ҳал қилинмай турибди.

Республика олий ўқув юртларида педагогик кадрларнинг илмий малакасини ошириш соҳасида ҳам етарли иш олиб борилаётгани йўқ. Олий ўқув юртларидаги ўқитувчиларнинг ярмида илмий даража йўқ. Математика, физика ва янги техника соҳалари бўйича фан докторлари жуда кам.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳамда республика фанлар академияси илмий кадрлар тайёрлаш масаласини кескин яхшиламоқлари керак. Чунки бу — мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш ва республикада фанни янада тараққий эттиришнинг асосий шартларидан биридир.

Бўлажак мутахассисларни коммунистик руҳда тарбиялаш республикадаги барча партия ташкилотларининг, олий ўқув юртларининг раҳбарлари, профессорлари, ўқитувчилари, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг диққат марказида турмоғи лозим. Таълим-тарбия масаласида биз ҳар бир студент қалбига йўл топишимиз керак.

Ўзбек халқи ўзининг узоқ йиллик тажрибасида шунга амин бўлдики, рус тили фан ва техниканы эгаллашда асосий воситалардан биридир. Шунинг учун ҳам республикамиздаги барча олий ўқув юртларида, мактабларда, ташкилотларда рус тили катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Ишчи, колхозчи, ҳар бир зиёли улуғ рус халқининг тилини ўрганишни катта бахт деб билмоқда. Рус тили — катта оғамиз тили, улуғ Ленин тили — ўзбек халқининг иккинчи она тили бўлиб қолди. Бекобод металлурги, Оҳангарон кўмирчиси, Чирчиқ кимёгари, Фарғона водийсининг пахтакорлари, узоқ сурхондарёлик чўпонлар ана шу тилда сўзлашмоқдалар. Рус тили миллатлараро муносабат ўрнатиш ва СССР ҳамда жаҳон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик тилига айланди.

Мутахассисларга рус тилини чуқурроқ сингдириш — олий мактаб профессорлари ва ўқитувчилари олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Хеч шубҳа йўқки, олий ўқув юртларимизнинг ўқитувчилари, профессорлари ва барча ходимлари халқ хўжалигининг кадрларга бўлган эҳтиёжини яқин йиллар ичида тўла қондирадилар, мутахассислар тайёрлаш сифатини юксак даражага кўтарадилар.

ИНСТИТУТ ЯНГИЛИКЛАРИ

⊙ Яқинда республикадаги илмий тадқиқот институтлари қаторида яна бир янги институт вужудга келди. Соғлиқни сақлаш ва медицина тарихи илмий-текшириш институти ишлай бошлади. Бу институт республикада медицина тарихи ва унинг перспективасига доир тадқиқот ишлари олиб боради.

⊙ Андижон Давлат педагогика институтида студентларни амалий ишга пухта тайёрлаш мақсадида студентлар илмий жамияти тузилган эди. Яқинда жамият аъзолари илмий ишларининг биринчи тўплами нашр этилди.

К. САЪДИЕВ.

⊙ Ўзбекистон ССР Фанлар академияси гидрогеология ва инженерлик геологияси институти коллективи халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар устида иш олиб бормоқда. Инженерлик геологияси лабораторияси Тошкент атрофи, Мирзачўл, Самарқанд табиий районларининг тўртламчи давр тоғ жинсларини пухта текшириб чиқишди. Институтда ер ости сувларидан халқ хўжалигида фойдаланиш масаласи жиддий ўрганилмоқда.

С. МИРЗАЕВ.

⊙ Хоразм Давлат педагогика институтининг IV курс студентларидан бир группаси область мактабларида педагогика практикасини ўтказмоқдалар.

М. СУЛТОНОВ,
«Қизил Ўзбекистон» газетаси штатсиз бўлимининг ходими.

⊙ Саратов электротехника заводида Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти автоматика, телемеханика ва алоқа факультетининг студентлари ишлаб чиқариш практикасини ўтказишяпти. Улар заводда токарлик, слесарлик ва бошқа касбларни ўрганиб олдилар.

Ш. ШОИСМОИЛОВ.

⊙ Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти табииёт-география факультетининг тўртинчи курс студентлари ўлкани ўрганиш мақсадида Иттифоқимиз бўйлаб саёҳат қилишди.

Х. БОЙҚОБИЛОВ.



Тошкент политехника институтининг 56 кафедрасида кейинги 20 йил ичида институт илмий ходимларининг 60 дан ортиқ илмий ишлар тўплами, дарсликлар босиб чиқарилди. Суратда институт илмий ходимлари (чапдан ўнгга): кимё фанлари доктори Х. Рустамов, академик А. Уклонский, геология-минералогия фанлари докторлари А. Боймуҳаммедов ва О. Русанова ўртоқлар янги чиққан монографияни кўздан кечирмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙМИЗ

М. ҲОЖИНОВА,
Тошкент тўқимачилик институтининг директори, техника фанлари доктори

<>

Тошкент давлат тўқимачилик институти пахта тозалаш ва тўқимачилик саноати учун малакали мутахассислар тайёрлаб берадиган йирик олий ўқув юртидир. Институт коллективи олий таълимни қайта қуриш ҳақидаги Қонунни амалга оширишда самаралари ишлаб келмоқда. Институтда таълим-тарбия ишлари ҳаёт билан, ишлаб чиқариш билан боғлаб олиб борилмоқда. I, II курс студентлари саноат корхоналарида ишлаб чиқариш таълимини олмоқдалар. Тошкент тўқимачилик комбинати, «Таштекстильмаш» заводи, тикувчилик фабрикалари ва бошқа саноат корхоналарида кўпгина студентларимиз токарлик, слесарлик, тўқувчилик ва бошқа касбларни эгаллашяпти. Ишчи-студентлар корхоналарнинг жамоат ишларига, илмий-техника йиғилишларига активи иштирок этаётирлар. Уларнинг кўпчилиги корхоналардаги коммунистик меҳнат бригадаларининг аъзоларидир.

Институтда ўқув-тарбия ишларини ишлаб чиқариш билан боғлаб олиб бориш — студентларнинг ўз касбларини пухта эгаллашларига, юқори билим олишларига ёрдам бермоқда. Студент-ишчилар ўқишда ҳам бошқаларга намуна бўлаётирлар. Институт кафедралари ўз ишларини студентларнинг мустақил ишлашларига методик раҳбарлик қилиш асосида қайта қурдилар. Кейинги икки ўқув йили мобайнида институт студентлари орасида ишлаб чиқаришдан келган, ҳаёт тажрибасига эга бўлган, билим олишга иштиёқи баланд ёшлар кўпайди. Бу ўқув йилида институтга қабул қилинган 385 кишидан кўпчилиги ана шундай ёшлардир. Шу билан бирга, биз планли равишда иттифоқчи республикалардан ҳам кўпгина ёшларни институтимизга қабул қилдик.

Институт коллективи корхоналар билан илмий ҳамкорлик қилишда турли методларни қўлламоқда. Ўқитувчилар корхоналарга бориб, илмий-техника темаларида докладлар қилишади, ишчиларга, рационализатор ва ихтирочиларга консультациялар беришади, шунингдек, халқ хўжалиги кенгаши ва корхоналарнинг илмий-техника советларида иштироқ этадилар. Бу — институт ўқитувчиларининг халқ хўжалигимизни ривожлантириш ишига ўзларининг илмий маслаҳатлари билан муносиб ҳисса қўшиш имкониятини бермоқда.

Институтимиз ишида айрим етишмовчиликлар ҳам йўқ эмас. Улардан бири ўқув базасининг торлиги ва илмий тадқиқот ишлари учун етарли имкониятнинг йўқлигидир. Институтимизда студентлар сони ва мутахассисликларнинг тури йилдан-йилга кўпаймоқда. Аммо моддий-техника базаси кенгайтирилмаётир. Республика Госплани бу муҳим ишни планлаштиришга яхши аҳамият беришини истардик. Институтимизда тарбияланган мутахассис кадрларнинг ишлаб чиқариш практикасини ўтказиш ҳамда уларни ишга тайинлаш соҳасида Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгаши етарли эътибор бермаётир. Студентлар ишлаб чиқариш практикаси ўтказаётган корхоналарнинг раҳбарлари ҳам уларга етарли шароит яратиб беришлари зарур.

Ўйлайманки, бугун очиладиган кенгаш бу масалаларнинг ҳал этилишига кенг йўл очиб беради.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

⊙ Улуғ Октябрь социалистик революциясигача Ўзбекистонда бирорта ҳам олий ўқув юрти бўлмаган. Эндиликда 29 олий ўқув юртида 101 мингдан ортиқ студент таълим олмоқда.

⊙ 1939 йилда республикада олий маълумотли кишилар сони 19 минг 736 киши эди. Ҳозир халқ хўжалигининг турли соҳаларида юз мингдан ортиқ олий маълумотли мутахассис ишлаб турибди.

⊙ Республикадаги учта қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртида 13 мингдан ортиқ студент таълим олмоқда. Бу олий ўқув юртларида ҳар йили 1,5 мингга агроном, гидротехник, механик, ветеринар, зоотехник етиштирилаётир.

⊙ Республикадаги педагогика олий ўқув юртларида қарийб 35 минг студент ўқимоқда.

⊙ Ҳозир Ўзбекистонда 10000 дан ортиқ илмий ходим ишлаб турибди.

МАЪРИФАТ НУРЛАРИ

Куни билан ёшларнинг қувноқ кулгулари янграган коридорлар, билим иштиёқида ўқитувчининг ҳар бир сўзини дилига жо қилиб олаётган студентлар билан тўлган университет аудиториялари кечқурун ҳам гавжум. Турли саноат корхоналарида, муассасаларда меҳнат қилаётган ёшлар кеч тушиши билан шу муаззам бино—билим даргоҳи томон йўл оладилар. Мана чароғон аудиториялардан бири. Бу ерда университетнинг механика-математика факультети биринчи курс студентлари ёш ўқитувчи А. Миронов ўқиётган мазмунли лекцияни мароқ билан тинглашяпти. Олдинги қаторда ўтирган ёшгина йигитча лекцияни диққат билан тинглаб, алланарсаларни дафтарига ёзиб бормоқда. У «Ташсельмаш» заводининг илғор фрезеровкачиси Омон Умурқулов. Ишлаб чиқаришда ғайрат-ташаббуси билан ҳаммага намуна бўлган бу йигитнинг ўқишга ҳам иштиёқи зўр. У ишлаб туриб олий маълумот олади. Унинг ёнида ўтирган йигит — ҳарбий хизматчи В. Н. Бомко ҳам ана шу мақсадни кўзлаган. Студентка Валентина Леонова университетга келгунга қадар кўпчилик совет ёшларига хос бўлган йўлни босиб ўтди: у бундан икки йил муқаддам ўрта мактабни тамомлаган эди. Меҳнатсевар қиз дастлабки йилларда қўриқ ўлкада меҳнат қилди. Ҳозир эса у қурилиш конторасида кран бошқарувчиси.

Бу группадаги 45 ёшнинг ҳаммаси ишлаб туриб олий маълумот олмоқда. Университетнинг бошқа аудиториялари ҳам кечки машғулотлар давом этмоқда.

Университетнинг кечки бўлимида 830 киши билим олмоқда. Бу йил эса яна 450 ёш бу сафларни тўлдирди. Университет сиртқи бўлимида эса 1400 киши ўқимоқда. Бу йил 650 киши қабул қилинди. Бу—партия ва ҳукуматимизнинг ёшларимизни билимли, меҳнатсевар кишилар қилиб тарбиялашга, олий таълимни янада ривожлантиришга ва қадар катта ғамхўрлик қилаётганлигининг яққол далилидир.

... Тошкент тун қўйнига чўмган. Октябрь революцияси скверига тўпланиб турган салобатли бино — В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг деразаларида чироқлар порлаб турибди. Бу чироқлар —маърифат нурлари, бу чироклар остида минглаб ёшлар билим олишяпти.

М. ХУДОЙҚУЛОВ.

ҲАМ ИШЛАБ, ҲАМ ЎҚИБ

Кувасой ГРЭСи ходимлари республикамизнинг турли олий ва ўрта ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олмоқдалар.

Электростанциянинг ўн ишчи ва инженер-техник ходими Қўқон нефть техникумининг филиали — кечки техникумда ўқишяпти. Улар орасида слесарь Х. Хасанов, инженер Н. Мамлютов ва бошқалар бор. Бир группа ишчилар электроэнергетика техникумида сиртдан ўқишяпти.

М. А. ВАХОВСКИЙ,
Кувасой ГРЭСи план бўлимининг бошлиғи.

БИР СТУДЕНТ ИХТИРОСИ

Институт биноси олдида тўпланишиб турган уч-тўрт йигит-қизнинг суҳбати Комил ҳақида борарди.

— Эшитмадингларми? Тарих - филология факультети студенти Комил Қиличев телевизор қурибди. Уларнинг ҳонадони Хоразмда биринчи бўлиб телевизор томоша қиляпти.

— Ростданми?

Бу савол барчани қизиқтирди. Хоразм давлат педагогика институтининг студенти, ҳаваскор радиотехник Комил Қиличев телевизион эшитиришларни ретрансляция қилиб кўряпти.

Ихтиронинг яратилиш тарихи тасодифий эмас. Бўш вақтларини физикага оид китоблар ўқиш, электромагнит ҳамда радио тўлқинларини узоққа бериш ва қабул қилиб олиш — ummaн радиотехникага оид машғулотлар билан ўтказувчи бўлажак филолог «Техника молодежи» журналида берилган бир схемага асосланиб, 5 метр узунликда ажойиб антенна ясади. Унга изолятор ва кабель ўрнатиб, тортилган симни «Рекорд» телевизорига улаган эди, экранда жимирлаб нурлар пайдо бўлди, бироз ўтгач, аниқ ва ёрқин тасвирлар кўрина бошлади.

К. Қиличев қурган бу телевизор Ватанимиз пойтахти Москва, шунингдек, Киев, Ереван, Боку, Саратов, Олмаота ва Пятигорск шаҳарларидан берилаётган телеэшиттиришларни июнь ойидан буён мунтазам тиниқ ва нормал олиб турибди.

Комил шу кунларда ясаган антеннани яна ҳам такомиллаштиряпти.

Э. МАДРАҲИМОВ.

Геология-минералогия фанлари кандидати Асқар Исломов республикамиз геологиясини ўрганишга баракали ҳисса қўшаётган олимларимиздан бири. У кўп йиллардан бери Ўрта Осиёда геология билимларининг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихини ўрганди. Яқинда истеъдодли олим геологик билимларнинг жуда қадим замонлардан тортиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясигача тадрижий тараққиёти ҳақида докторлик диссертациясини муваффақият билан ёқлади. Ҳозир олим ўлкамизнинг геологик тарихига бағишланган илмий ишларини давом эттирмоқда. Суратда: Тошкент давлат университети «Умумий геология» кафедрасининг мудири Асқар Исломов ўз лабораториясида илмий иш олиб бормоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ФАН КОММУНИЗМ ХИЗМАТИДА

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти **С. В. Стародубцев** мухбиримиз билан суҳбатда фан ва олий ўқув юртлари ходимлари республика кенгашининг вазифаларини шарҳлаб бундай деди:

КПСС Программаси проектида яққол ифода этилганидек, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун курашнинг ҳал қилувчи босқичига қадам қўйилган ҳозирги вақтда фан-техниканинг роли ҳамда аҳамияти беҳад ўсди. Совет фани бутун жаҳонни ҳайратда қолдирувчи илмий ютуқларни қўлга киритди.

Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги туфайли республикамизда фан-техника соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Олимларимиз бу кенгашга фаннинг назарий ва амалий соҳаларида, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш соҳасида салмоқли илмий-ижодий муваффақиятлар билан келдилар. Республикамизда фаннинг турли соҳалари тобора тараққий этмоқда. Мисол учун, физика-математика соҳасини олайлик. Кейинги йилларда бу соҳада амалга оширилган ишларни кўздан кечирсак, партия ва ҳукуматимизнинг фаннинг ривожланишига нақадар катта аҳамият берганлиги яққол кўринади. Республикамизда бу соҳада кўпгина ишлар амалга оширилди. Физика фанининг муҳим соҳаси—ядро физикаси бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борувчи ядро физикаси институти ташкил топди. Совет Ўзбекистонида Шарқда биринчи атом реактори ишга туширилди. Ўзбек атомчи олимлари атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш, уни халқ хўжалигимизнинг турли соҳаларига татбиқ этиш йўлида ҳормай-толмай илмий иш олиб бораётирлар. Ўзбекистонда йирик ҳисоб маркази ишга туширилди. Физика-техника илмий-текшириш институти анча кенгайтирилди. Институтнинг илмий коллективи қуёш энергиясидан халқ хўжалигида фойдаланиш, ярим ўтказгичлар хусусиятини ўрганиб, турмушга татбиқ қилиш соҳаларида самарали иш қилмоқдалар. Полезмерлар кимёси институти, нефть ва газ институти, механика институти, гидротехника ва сув проблемалари институти ҳамда бошқа илмий-текшириш муассасалари республикамизда фан тараққиёти ва халқ хўжалигимизнинг равнақи учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Кимёгар олимлар янги-янги сунъий материаллар ва хом ашёлар, қишлоқ хўжалиги учун ўғит ва бошқа препаратлар яратиб беришда, геологлар Ватанимиз ер ости бойликларини топишда, биологлар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини серҳосил қилиш йўлларини қидириб топишда илмий-ижодий меҳнат билан машғулдирлар. Иқтимоий фанлар соҳасида ишлайдиган олимларимиз ҳам ўзларининг салмоқли илмий асарлари билан фан хазинасини бойитмоқдалар.

Фаннинг барча соҳаларини янада тараққий эттириш илмий тадқиқотларни планлаштириш ва координациялашни яхшилашни тақозо этади. Бу ўз навбатида илмий муассасаларнинг ишидаги параллелизмни тугатиш, олимларнинг эътиборини ва кучларини асосий ва перспектив проблемаларни ҳал этишга қаратишга ёрдам беради, фанни ривожлантириш мақсадларн учун давлат томонидан ажратилаётган маблағларни мақсадга энг мувофиқ равишда фойдаланишга имкон беради. Бу муҳим омил КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда илмий тадқиқот ишларини координациялашни ва СССР Фанлар академиясининг фаолиятини яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорида ҳамда илмий ходимларнинг Бутииттифоқ кенгаши қарорларида яққол кўрсатиб берилди.

Иттифокимиздагидек, республикамизда ҳам илмий муассасаларнинг ишларини планлаштириш ва координациялаш билан шуғулланадиган махсус комитет тузилди. Бу — республикада фаннинг янада тараққий этиши учун ғоят катта роль ўйнаши шубҳасиздир.

Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, ҳали республика фани олдида жуда катта вазифалар турибди. У ҳаётга, ишлаб чиқаришга практикасига тобора кўпроқ яқинлаштирилиши зарур.

Республика кенгаши қатнашчилари ана шу ҳаётий масалаларни кенг муҳокама қиладилар.

Республика илмий - текшириш муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масалалардан биридир. Республикамиз олий ўқув юртлари халқ хўжалигига кўпгина мутахассислар етказиб бермоқда. Лекин бу ҳали ҳозирги талаблар даражасида эмас. Фанимизнинг кўпгина янги тармоқлари (ядро физикаси, микробиология, автоматика, телемеханика ва бошқалар) кадрларга муҳтож. Бу кадрларни тайёрлаб чиқариш олий ўқув юртларининг муҳим вазифасидир.

Фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш соҳасида республикамизда талайгина ишлар амалга оширилди. Олимларимиз ўзларининг илмий ижодий меҳнатлари билан халқ хўжалигимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Илмий ишларни планлаштириш ва координациялаш бу соҳада янада катта имкониятлар очиб беради.

Аминмизки, кенгаш қатнашчилари республикамизда фан-техниканинг тобора тараққий этишида, илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг ишини шу куннинг юксак талаблари асосида қайта қуриш соҳасида катта натижаларга эришадилар.

МЕДИКЛАР ХАЛҚАРО ФОРУМИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ФАРҒОНА ВА САМАРҚАНДДА

ФАРҒОНА, 12 сентябрь. Форум делегатлари Фарғона область санитария-эпидемиология станциясини бориб кўрдилар. Меҳмонлар юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилган профилактика тадбирларининг ташкил этилишига жуда қизиқиб қарадилар. Станция бош врачи Абдусалом Маҳмудов чет эллик ҳамкасбларининг саволларига жавоб бериб айтдики соғломлаштириш тадбирлари комплекс суратда ўтказилаётганлиги туфайли областда юқумли касалликлар билан хасталаниш кескин камайиб кетди.

Ханойдаги микробиология институтининг директори доктор Нгуен Дик Хой санитария-эпидемиология станциясидан кета туриб, бундай деди: «Бу ерда кўрган нарсаларимизнинг ҳаммаси бизда катта таассурот қолдирди! Областингизда юқумли касалликларнинг олдини олиш йўлидаги профилактика ишлари жуда кенг кўламда олиб борилаётганлигига, мана шу муассаса таъминланган медицина ускуналарига қойил қолдик. Биз бу тажрибаларингизнинг ҳаммасини қабул қилиб олишга ва ўз юртимизда қўлланишга ҳаракат қиламиз».

Форум делегатлари Фарғонада бўлишларининг дастлабки кунида талайгина вақтларини нефтни қайта ишловчи заводнинг медицина-санитария қисмидаги ишлар билан танишишга бағишладилар.

САМАРҚАНД, 12 сентябрь. (ЎзТАГ). Чет эллик врачлардан эллик киши Самарқандда юқумли ва паразитар касалликларга қарши кураш қандай уюштирилгани билан танишди. Меҳмонлар область санитария-эпидемиология станциясини бориб кўрдилар. Бу станцияда 135 мутахассис ишлайди. Лекин коллективнинг ёрдамчилари ҳаддан ташқари кўп — станция областдаги барча медицина муассасалари билан алоқа боғлаган. Станция ихтиёрида ҳозирги замон медицина ускуналари, кўп миқдорда мураккаб ва ақилли асбоблар, махсус автомобиллар ва самолётлар бор.

Кабинетлар ва лабораторияларда дўстона суҳбатлар бошланади. Ҳар бир суҳбат чет эллик врачларга бир талай қимматли маълумотлар беради. Аргентиналик доктор Эмилио Хаст Антонина Дмитриевна Аталинадан полиомиелитга қарши кураш қандай олиб борилаётганини сўрайди. Бу касаллик жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида жуда кенг тарқалган.

— Полиомиелит бизда тарқалгани йўқ, — дейди врач Аталина.

— Хўш, бунинг учун нима киляпсизлар? — деб сўрайди Хаст.

Аталина станция амалга ошираётган тадбирларнинг бутун бир системасини санаб беради.

Чет эллик врачлар безгак институтига бориб, профессор М. Исаев билан учрашишнинг иложи бўладими, деб аэродромдаёқ сўрашган эди. Ҳозирги вақтда Самарқандда бундай институт йўқ. унинг ўрнига Экспериментал медицина паразитологияси институти ишлаб турибди. Профессор Исаев билан учрашув худди шу ерда бўлиб ўтди. У областда безгакни тугатиш йўллари ҳақида сўзлаб берди.

ЯНГИ КИТОБЛАР

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриёти қуйидаги брошюраларни нашр этди:

Н. НОСИРОВА. — «Ўзбекистон колхозларининг моддий-техника базаси ривожланишда». 39 бет, тиражи 14700, баҳоси 6 тийин.

Л. В. МАНДРИГИН. — «Одам худони қандай яратди». 44 бет, тиражи 12700, баҳоси 6 тийин.

Н. Е. ОМЕЛИН. — «Социализмдан коммунизмга ўтиш». 57 бет, тиражи 15700, баҳоси 6 тийин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти қуйидаги китобларни чиқарди:

М. РАСУЛИЙ. — «Владимир Маяковский асарлари ўзбек тилида». 207 бет, тиражи 1000, баҳоси 1 сўм 8 тийин.

Азиз ҚАЮМОВ. — «Қўқон адабий муҳити». «XIII—XIX асрлар». 358 бет, тиражи 2000, баҳоси 1 сўм 55 тийин.

СУРАТДА: Хева шаҳар болалар музика мактабида скрипка классини тамомлаган ёшлардан К. ИСКАНДАРОВ куй ижро этмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи республика жамияти Тошкент шаҳар бўлимининг ташаббуси билан кеча Халқаро алоқалар халқ университети ташкил қилинди.

Бу янги университетнинг планига кўра шу йилнинг охиригача қадар халқаро алоқаларга доир темаларда жуда кўп лекциялар ўқитириш кўзда тутилган. Университет машғулотларида доцент Л. М. Мақсудов, тарих фанлари кандидати У. Рустамов, доцентлардан А. Н. Михайлов, П. А. Ковалев, М. В. Яновский, Г. Ҳидоятов сингари мутахассислар лекциялар ўқийдилар.

Кеча лектор Н. С. Петров «Капитализмдан социализмга ўтиш — инсоният жамияти тараққиётининг йўли», лектор Е. М. Блок «Коммунистик партиянинг халқаро алоқалар соҳасидаги вазифалари» темаларида лекция ўқидилар. Лекциялардан кейин хроникал-ҳужжатли фильм кўрсатилди.

ЁЗУВЧИЛАР КИТОБХОНЛАР БИЛАН УЧРАШДИЛАР

Яқинда Ўзбекистон ёзувчилари союзига Бағдод район меҳнаткашларидан кўпгина киши имзо чеккан хат келди. Хатда бир неча ёзувчилар номманом кўрсатилиб, уларнинг шу районга келишларини, адабиёт ҳақида, ижодий режалар ва нашр этилган китоблар тўғрисида суҳбатлашишни илтимос қилишган эди.

Шу муносабат билан А. Қаҳҳор, А. Мухтор, А. Раҳмат, Миртемир, С. Аҳмад Шукрулло, О. Ёқубов, Е. Мирза, А. Абдураззоқ ўртоқлардан иборат ёзувчилар бригадаси Бағдод районига борди. Хитой шоири Лин Юнь ҳам бригада составида бу учрашувга меҳмон бўлиб борди. Район марказидаги клубга жуда кўп кишилар тўпланиб, қизиқарли учрашув кечаси бошланди. Шеърлар ўқилиб адабиётимиз ҳақида қимматли фикрлар айтилди. Кўпгина саволларга жавоб берилди.

Бундан ташқари, «Большевик» колхозидаги ўрта мактабда, «Калинин» колхози бригадасидаги дала шийпонида ҳам адабий учрашувлар бўлди.

* * *

Олмалиқ шаҳрига ёзувчилар бригадаси борди. Шаҳарнинг Маяковский номли истироҳат боғида меҳнаткашлар — китобхонлар қалам аҳлларини самимият билан кутиб олдилар. Шаҳар партия комитети агитация-пропаганда бўлимининг мудири ўртоқ В. Усов йиғилишни очди.

Я. Шамшаров, Е. Шукуров, К. Икромов ўртоқлар ўз ижодий планлари ва ш. қ. ларда қандай асарлар устида ишлаётганлиги ҳақида йиғилганлар билан ўртоқлашдилар. Шоирлардан Борис Пармузин, Толиб Йўлдош, В. Александров ва В. Дубровскийлар янги шеърларидан ўқиб бердилар. Ёзувчилар китобхонларга ўз автографлари ёзилган китобларидан тақдим қилдилар.

Оламда нималар гап

КОРЕЯ МЕҲНАТ ПАРТИЯСИНИНГ IV СЪЕЗДИДА

ПХЕНЬЯН, 12 сентябрь. (ТАСС). Корея Меҳнат партиясининг IV съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

Съезднинг эрталабки мажлисида кун тартибидаги иккинчи масала — Корея Меҳнат партияси Марказий ревизия комиссиясининг ишлари тўғрисида Комиссия раисининг ўринбосари Ким Гер Им ҳисобот доклади қилди. У, ҳисобот даврида партиянинг молия-хўжалик базаси анча мустаҳкамланганлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан кейин Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети ва Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари юзасидан музокаралар бошланди.

Шундан кейин совет партия делегациясининг раҳбари КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Р. Козлов нутқ сўзлади. Съезд иштирокчилари ўртоқ Ф. Р. Козловни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Партиянгизнинг IV съезди, деди Ф. Р. Козлов, социализмнинг порлоқ йўлидан олға бораётган корейс халқининг ҳаракатида янги маррадир.

Сизнинг съездингиз қаҳрамон корейс халқининг жанговар авангарди — Корея Меҳнат партияси раҳбарлиги остида эришган ажойиб муваффақиятларни якунламоқда. Партиянинг мамлакатни социалистик индустриалаш, қишлоқ хўжалигини кооперативлаш, экономикани планли равишда ривожлантириш йўли ўзини тамомила оқлади. халқ хўжалиги барча тармоқларининг тез суръатлар билан ривожланишини таъминлади.

Шундан кейин Ф. Р. Козлов Совет Иттифоқи Коммунистик партияси томонидан белгиланган буюк ва улуғвор вазифалар ҳақида гапирди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Корея Меҳнат партияси IV съездига юборган табрикномасини ўқиб берди. Табрикнома тексти эълон қилинганидан кейин съезд делегатлари ўринларидан турадилар ва қардош Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига гулдурос ва узоқ қарсаклар янграйди. Ф. Р. Козлов съездга «Владимир Ильич Ленин» суратини тақдим қилиб, бу сурат ленинча ишлаётган Корея Меҳнат партиясига совга деб эълон қилганида зал гумбазлари остида яна гулдурос қарсаклар янграйди.

Халқ байрами

ПАРИЖ, 12 сентябрь. (ТАСС). Бу йил Парижнинг атрофидаги Курневда «Юманите» газетасининг традицион байрами қўлт муваффақиятли ўтди. Раймон Лавинь бу газетада қуйидагиларни ёзади: «Юманите» газетасининг байрами — халқ байрамидир. «Юманите», деб ёзади у, бундай байрамни партия номидан ташкил этаётганлиги билан фахрланади. Икки кун мобайнида Франциянинг турли жойларидан келган юз минглаб кишилар бу байрамда иштирок этдилар.

«ХРУШЧЕВ КЕНГАШ ЎТКАЗИЛИШИГА УМИД БОР ДЕБ БИЛМОҚДА»

Америка матбуотининг фикрлари

ВАШИНГТОН, (ТАСС). Н. С. Хрушчевнинг Волжский шаҳрида сўзлаган нутқи АҚШ пойтахтида зўр қизиқиш тўғдирди. Совет ҳукумати бошлиғининг Германия проблемасини тинч йўл билан ҳал этишда «умид бағишловчи шарпа пайдо бўлганлиги кўриниб турибди» деган сўзлари Вашингтон матбуотининг эътиборини ўзига кўпроқ тортмоқда.

«Хрушчев халқаро майдонда умид шарпасини кўрмоқда», — деб биринчи саҳифасига йирик харфлар билан сарлавҳа қўйди «Вашингтон пост энд Таймс геральд» газетаси.

«Стар» газетаси биринчи саҳифасида «Хрушчев умидвор бўлган ҳолда, музокаралар ўтказилишини олдиндан айтиб бермоқда», — деб хабар қилади.

Америка ахборот агентликларининг хабарларида Н. С. Хрушчевнинг нутқи «пухта ўйлаб, вазминлик билан сўзланган ва энг кўп умид бағишлайдиган нутқлардан бири» бўлди, деб таъкидлаб ўтилади.

ВЪЕТНАМ ИНФОРМАЦИЯ АГЕНТЛИГИНИНГ РАДДИЯСИ

ХАНОЙ, 12 сентябрь. (ТАСС). Лаосда, Сненг-Куангнинг ғарбида Вьетнам Демократик Республикасининг қўшинлари тўпланмоқда, деб Америка информация агентликлари ва Лаос исёнчиларининг радиоси тарқатган хабарларни Вьетнам информация агентлиги рад қилди. Бу хабарлар, дейилади Вьетнам информация агентлигининг раддиясида, Лаосдаги урушни яна бошлаб юбормоқ учун АҚШ зўр бериб тайёргарлик кўраётганлигини яшириш мақсадидагина тарқатилаётган хабарлардир. Маълумки, кейинги вақтларда Қўшма Штатлар ва Саваннакет тўдаси Лаоснинг ватанпарвар кучларига қарши иғвогарлик ҳаракатларини кучайтириб юбордилар. Американинг юзлаб янги ҳарбий кенгашчилари, Таиланд ва Жанубий Вьетнамнинг кўпгина ҳарбий қисмлари, шунингдек кўп миқдорда қурол-яроғлар ошиғич равишда Лаосга юборилмоқда. Таиланд қўшинлари Меконг дарёсининг Лаосдаги соҳилига десант туширш маневрларини ўтказди.

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

ҲОДИСА

Навбатчи хонанинг тинчлигини телефон қўнғироғи бузди. Трубкани кўтарган навбатчининг чекларидаги тер томчилари пайдо бўлди. Авария...

Бирзумда госавтоинспекция ходимлари тушган машина бахтсиз ҳодиса рўй берган ерга жўнади. Ўнг қўли мажақланган тикувчилик фабрикасининг ишчиси Зина П., ва қовурғаси билан оёғи сингаб мастер Николай Т. тез ёрдам кўрсатиш институтига олиб кетилди. Зинанинг панжаси кесиб ташланди. У энди тикувчилик қила олмайди. Намунали ишчи ва спортчи Николай эса қўлтиқ таёқсиз юра олмайдиган бўлиб қолди. Бунга ким айбдор?

...Мусаффо ёз тонги. Анвар Умаров гаражга ҳар кунгидан барвақт келди. Диспетчер хонасига кириб папирос тутатди.

— Ремонт қалай кетяпти? — сўради ўтирганлардан бири.

— Тамом бўлай деб қолди. Бугун «ишлаб олишим» мумкин эди-ю, тормоз чатоқ қилиб турибди-да.

— Уялмайсанми, Анвар, — деди ёнида турган кекса ҳайдовчи Қодир ака. — Киракашлик қилиб меҳнат интизомини бузганинг учун яқиндагина муҳокамага тушган эдинг-ку!

Шу пайт қўлига йўлланма ушлаган Федотова кириб қолди. — Анвар, мана сенга маршрут варақаси, ҳайдайвер. Авезов қўл қўйган,— деди у.

Маршрут варақасини олган Умаров ўйланиб қолди:

— Нима қилиб безрайиб турибсан? Маршрут варақасини олдингми, олдинг. Механик қўл қўйганми — қўйган. Вазифанг аниқ. Жўна!

Механик машинани текширмаган, бўлмайди-да, — ўйланди Умаров. Аммо виждонидан жиғилдони устун чиқди ва машина йўлга тушди. Омадни қаранг-ки, гаражданчиққан замон-оқ икки йўловчи вокзалга элтиб қўйишни сўради. Вокзалдан яна одам олди. Пулдор йўловчиларнинг кетмакет чиқаётганидан хурсанд бўлган Умаров бошлиққа боришни ҳам унутиб қўйди. Соатга кўзи тушгандагина бошлиқнинг «соат иккига етиб келинг» деганини эсларди. Вақт эса ўтиб қолган эди. Газни босди, тезлик ортиб бирин-кетин машиналарни қувиб ўтаверди. Навбатдаги қувиб ўтишда рўпарадан ГАЗ-51 машинаси чиқиб қолди. Тўқнашувдан кочган Умаров машинаси четга бурди. У ерда икки йўловчи кетаётган эди.

«Тормоз..., тормоз эса тузатилмаган»... Педални босди, педалга машина итоат этмади... Бир онда бахтсиз ҳодиса юз берди. Бунинг қурбони бегуноҳ Николай билан Зина бўлди.

Йўл хавфсизлиги қоидасини бузган, давлат машинасидан ўз шахсий манфаати учун фойдаланган Анвар Умаровни халқ суди 3 йил озодликдан ва сўнгра 4 йил транспорт бошқаришдан маҳрум этишга ҳукм қилди.

Техника жиҳатидан бузуқ транспортни эксплуатацияга қўйган механик Авезов эса 2 йил озодликдан маҳрум қилинди. Ўз вазифасига енгилтаклик билан қараган диспетчер Федотованинг иши эса жамоат судига ошириди.

М. БЛИНОВ.

ОДИНА ДОМЛАНИНГ ҚИЛМИШЛАРИ

НУҚОЛСИН ХУРОФОТ!

Муҳаммаджаббекнинг арзандаси мулла Одина ким? Бу кимсанинг аслинасаби бутун сир-асрори эндиликда ҳаммага беш баромқдай аён. У жоҳил диндор, ўтакетган текинхўр... Мулла Одинанинг ҳаёти жирканч ишлар, мудҳиш жиноятларга тўла.

Одина Ражабов бир вақтлар Сариосиё райони колхозларида шофер бўлиб ишларди. У иш устида ичиб, безорилик қилгани учун 3 йил, машинада одам босгани учун 7 йил қамоқда ётиб чиқди.

Бироқ қилмишига лойиқ берилган жазо, ўгит-насиҳатлар ҳам жоҳил диндорга кор қилмади, Ражабов қамоқдан чиқиб текинхўрлик билан кун кечириш йўлини излади. У бир шингил оят ва диний ақидаларни ёддаб олиб, соддадил кишиларни алдади. диний таассуфларга ишонувчи айрим қолок кишиларидан ўзига мухлислар орттира бошлади.

Мулла Одина аҳоли орасида ўз номини улуғлаш мақсадида миш-кийлага бошини урди. У бемор ётган уй атрофида изғиш. тўй бўлаётган дарвоза остонасини ялаш, ўлик чиққан жойда қузғондек айланишни ўзига касб қилиб олди. У диний ақидаларга ишонувчи баъзи қолок кишиларнинг миясини заҳарлаш учун «ҳудо», «жаннат», «дўзох» ҳақидаги афсоналарни қироат қила бошлади. Одинанинг муҳлислари у ҳақда турли-туман афсоналар тўқидилар: «Мулла Одинанинг дами дарёни тескари оқизади... Филни пашша, пашшани туя қилиш унинг қўлидан келади».

Риёкорлик ва фирибгарлик мақсадида тўқиб чиқарилган бу бемаъни гаплар баъзи эркак ва аёлларнинг бошини чалғитди. Мулла Одинанинг ифлос ва қўлавса нафсидан ўз дардларига «даво» излайдиганлар ҳам топилди. Мулла Одина эса анқов кишиларни авраб молдунё тўплашга. бойлик орттиришга, текинхўрлик билан кун кечиришга, хотинқизларга нисбатан беҳаёлик қилиш кўчасига тушиб олди.

Мана унинг жирканч ишларидан бир шингил: ўтган йили июнь ойида Мулла Одина Наврўз Ражабовнинг остонасида пайдо бўлди. Бу хонадонда Нурбиби исмли 5 яшар қиз бетоб эди. Мулла қизни врачга олиб бормасликни тайинлаб. ўз «каромати»ни кўрсатишга киришди: гўдакнинг қулоғидан чўзиб. бурнини қаттиқ сиқди: новда билан савалаб «қайтарма» ва «кўчирма» қилди. Нақд 70 сўмни қўйнига олиб. «тумор» ясаб. «эзиб ичги» ёзиб берди. Беморнинг аҳволи оғирлашди. Виждонсиз текинхўр мулла «бемор тузалса мулланинг каромати, тузалмаса худонинг амри-фармони» деб ҳукм чиқарди. Лекин мулланинг «каромат»лари фойда бермади. Ёш Норбиби ажойиб врачларимиз қўлида шифо топди.

Фирибгар Одина Ражабов яқинда халқ судининг қора курсисига учинчи марта ўтирди. Маълум бўлишича, у «Янги рўзғор» колхозининг бригада бошлиғи Ҳасан Саидовнинг кўмаги билан шу бригаданинг дала шийпонини масчитга айлантириб. ўзини имом деб эълон қилган. Ўзини номозхон, дуохон қиёфасига солиб ҳамтовоқлар орттирган. Қолоқ кишиларнинг миясини заҳарлаб. никох-худба ўқиш. тумор ясаб, ичги ёзиб бериш сингари ғайри инсоний ишлари эвазига шахсий бойлик орттирган.

Ражабовнинг жиноий ишини кўрган район халқ суди: «...текинхўрлик билан кун кечиргани. шахсий бойлик орттириш йўлига тушиб олгани учун Ражабов мулла Одинани бир йил шартли озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинсин» деган юмшоқкина ҳукм чиқарди.

Оғир жиноятлари учун енгил жазо олган мулла Одина суд хайҳатига миннатдорчилик билдириб. бундан буён «халол» меҳнат қилиб яшашга ваъда берди.

Суд мажлисида ҳозир бўлган «Янги рўзғор» колхозининг раҳбарлари ҳам: «Биз мулла Одинани ҳалол меҳнатга жалб қилиб. қайтадан тарбиялаймиз». деб халқни ишонтирдилар.

Хўш. оқибат нима бўлди: колхоз правлениеси ва партия ташкилоти текинхўр Одинанинг колхознинг «Меҳнат» участкасидаги 10 гектарли узумзорига боғбон қилиб тайинлади. «Боғбон»га тўла меҳнат ҳақи ёзила бошланди.

Энди мулла Одина атлас кўрпачалар солинган супада ёнбошлаб чой ичиб боғда ишлаётган колхозчилар қўлига керилгани-керилган: «Келинглар. бироз дам олишга руҳсат бераман, биз билан бир пиёла чой ичсангиз ботмон савоб оласиз. Мана кўриб турибсизлар-ку, мен худонинг эрка бандаси, жиноятларим учун жазо ўрнига «жаннат»дай жой беришди. Худонинг меҳрибонлигига қойил қолиб. имомлигимни ҳам давом эттирямман. Агар менда «карамат» бўлмаса шундай бўлармиди...» — деб яна эски ашуласини айтмоқда.

Колхоз партия ташкилоти ва унинг секретари ўртоқ Турсунали Ҳасанов бундай текинхўр, фирибгарнинг хатти-ҳаракатларини фош қилиб ташлаш, халққа унинг манфур башарасини кўрсатиш ўрнига, унга хомийлик қилгач ким ҳам мулла Одинадек ҳаромхўрнинг мушугини пишт дея олади?! У колхозчиларнинг пешонаси тери билан топган нонларини туя қилиб юраверадида!

Дин пешвози яқинда янг бир қабиҳ жиноят қилди. Миш-миш гапларга учган Гулсин Ахмедова боласлигидан нажот сўраб Ражабовнинг ҳузурига келди. «Нажоткор» бечора хотиннинг юрагига даҳшат солди. «Сизга зиён-захматдан зарар етибди. оғир юк тушибди», — деди у. Беш-олти оғиз куф-суф дам уриб, жувоннинг 60 сўм пули ва 5 метр бекасамини шилиб олди. Яна уйига бориб «қайтарма» қилишга ваъда берди.

Қалби ифлос бу зот Гулсинойнинг эри уйда йўқлигини билгач. «қайтарма» қилиш баҳонаси билан унинг уйига келди. Солда аёл «кароматчини» меҳмон қилиб. иззат-ҳурмат этди. Ифлос мулла бўлса аёлнинг шаънига иснод келтирадиган ҳаракатлар қилишга уринди. Қўни-қўшнилар Гулсиннинг дод-фарёдини эшитиб. уни беҳаё дуохонинг ифлос панжасидан қутқардилар. Маҳалла аҳолиси виждонсиз мулла Одинанинг юзига қора куя суртиб кўчага ҳайдашди. Шу воқеадан сўнг Гулсин Аҳмедованинг оилавий турмуши бузилди.

Гулсин Аҳмедова мулла Одинанинг қаллоблиги. ҳаромхўрлиги ҳақида район партия-совет ташкилотларига бир неча бор арз қилди. Аммо, унинг шикоятлари оқибатсиз қолиб кетди. Сариосиё район партия комитетининг секретари Х. Қодиров ва район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири М. Шодиев ўртоқлар номига ёзилган аризалар гўё денгизга тушган тошдай изсиз йўқолди. Мулла Одина Ражабов эса «ошиғим олчи». «дўппим чамбарак» деб юрибди.

Мулла Одинанинг ёши 35 ларда, ҳайбатидан фил қўрқади. ишласа тоғни талқон қилади.

Сариосиё райони территориясида Одинадан бошқа текинхўр ва фирибгар мулла-эшонлар ҳам бор. Масалан, Сталин номли колхозда яшаб. меҳнаткашларнинг миясини заҳарлаб келаётган мулла Муҳаммад. мулла Маҳмуд ва унинг ўғли Убайдуллахонлар шу ишлар жумласига киради.

Хўш. Сариосиё район колхоз партия, ташкилотлари қаёқда, нега улар реакцион руҳонийларнинг кирдикорларини кўра-била туриб, бетараф бўлиб келмоқдалар?

А.ХАЛИЛОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.



Б. Жуков чизган расм.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

14 СЕНТЯБРДА

19.00 — **Қаҳрамон пионерлар** (пионер ташкилотининг 40 йиллигига бағишланган эшитириш, рус тилида), 19.30 — **Ишчилар синфига шон-шарафлар, Кремлнинг қадимги соборлари** (ҳужжатли фильмлар). 20.10 — **Адабиёт ва санъат ходимлари КПСС XXII съездига**, 20.30 — **Телевизион янгиликлар**, 20.50 — **Киножурнал** ва **Мичман Панин** номли бадиий фильм (ўзбек тилида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/IX да **Сўна**, 15/IX да **Боғчасарой фонтани**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 14/IX да **Мирзо Улуғбек**, 15/IX да **Гамлет**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 14/IX да **Оқ нилуфар**.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Биринчи синовлар (1 ва 2-серия)— «ВАТАН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» (2-серия кундуз ва кечқурун).

Юлдуз — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Биримиз — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун). НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 ва кундуз 1 ярим да).

Жажжи — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Уч қават бахт — «ИСКРА» (3-залда кундуз соат 12-20 минутдан).

Раис — **марказий ҳужумчи** (кундуз ва кечқурун), **Мяннард оиласи** (эрталаб соат 10, кеч 6 ва 10 да) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Волга-Волга (жуфт соатларда), **Эҳтиросзлар кўрфази** (тоқ соатларда) — «СПУТНИК».

Дилларда баҳор — «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун).

Юлдузлар сари биринчи сафар (кундуз ва кечқурун). **Инсон тақдири** (кеч соат 9-20 минутда) — КИНОЛЕКТОРИЙ.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Очилган кўриқ (2-серия) — «ОКТЯБРЬ».

Юлдуз — «ВАТАН», ТЕЛЬМАН номли.

Биримиз — НАВОИЙ номли, «НЕВА».

Уғлим уйланиши керак (кеч 8 да). **Айна** (кеч 10 да) — КАФАНОВ номли.

1961 йил 4 октябрь кундуз соат 3 да Тошкент давлат медицина институти санитария-гигиена факультетининг илмий совети мажлисида (инфекцион клиника аудиторияси)

Ф. С. Қодиров

медицина фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Камқонлик касаллигининг баъзи формаларида овқат ҳазм қилиш йўллари ҳолатини рентгенологик текшириш» деган темада

диссертация ёқлайди

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

МУАССАСА, ТАШКИЛОТ, КОРХОНА, КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

Адвокатлар юридик консультациялари

Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан 1961 йил 30 майда қабул қилинган «Ўзбекистон ССР адвокатураси ҳақидаги низом»га мувофиқ

юридик хизмат кўрсатиш учун

1961 ва 1962 йилга

ШАРТНОМА ТУЗИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИЛАР

Хизмат ҳаки такса юзасидан олинади.

Юридик консультациялар суларда жиноий ва граждан ишларини олиб борадилар арбитражда чиқадилар, кўнгилдаги масалаларда маслаҳатлар берадилар.

Консультацияларнинг адреси:

Куйбишев районида: 1-консультация — Биринчи май кўчаси, 81-уйда телефон 35-493, 2-консультация — Пушкин кўчаси, 16-уйда, телефон 32-269.

Киров районида—Энгельс кўчаси 16-уйда телефон 32-051.

Ленин районида — Кафанов кўчаси 81-уйда.

Октябрь районида: 1-консультация—Абдулла Тўқаев кўчаси, 30-уйда телефон 29-425, 2-консультация — М. Горький кўчаси 255-уйда, телефон 40-775, 3-консультация — Бешёғоч кўчаси 203-уйда, телефон 43-665.

Фрунзе районида — Милицейская кўча 14-уйда телефон 25-146.

Керакли маълумотлар тўғрисида Тошкент область адвокатлар коллегияси президиумига мурожаат қилинсин. Адрес: Биринчи май кўчаси 81-уй, телефон 32-749 34-264.

Редактор
З. И. ЕСЕНБОЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469 Пропаганда — 34780 Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780 Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри Р — 01082. Нашр. Б. 216.